

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

### ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.porma.uz](http://www.porma.uz) сайтидаги эркин қирладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

**UZBEKISTAN + CHINA**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Хитой Халқ Ҳукумати билан Давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги 123-сон қарори билан Имзоланган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари режаси ҳамда Хитой корпорациялари ва компаниялари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхати тасдиқланди.

**ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТИЗИМИ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майдаги 126-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ягона химояланган электрон почта ва электрон почтага ва электрон ҳужжат айланиши тизимига босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида, шунингдек уни амалга ошириш Схемаси тасдиқланди.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона химояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилишини, шунингдек 2012 йил 1 январдан бошлаб улар ўртасида электрон ахборот айирбошланишини таъминлаш топширилди.

**БИРЖАГА ДИПЛОМ КАМЛИК ҚИЛАДИ**

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи билан (АВ томонидан 2011 йил 30 апрелда 2221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом тасдиқланди. Чунончи, фонд соҳасида ишлашга талабдор ёки ишлаётган шахслар: олий маълумотга; қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш курсини тугатганлиги тўғрисидаги таълим муассасаси сертификатига; қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака гувоҳномасига эга бўлиши керак.

Хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нострификация қилинган тақдирда эътиборга олинади.

2011 йил 10 майдан кучга кирди.

**ПЕНСИОНЕР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ**

МВ, ИИВ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ, ДБКнинг қарори билан (АВ томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга биноан, қуйидаги тоифадаги ишловчи пен-

сионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда (100 фоиз) тўланади:

- а) Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга;
- б) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахслар;
- в) I ва II гуруҳ ногиронлари;
- г) Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар;
- д) фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раисларига;
- е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга – ёшга доир пенсияни олганда.

Қолган барча ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи миқдорда пенсиялар тўланади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларида рўйхатда турувчи ҳамда ташкилотларда ишловчи пенсионерларга пенсиялар иш жойидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Мудофаа, фавқулодда вазиятлар вазирликларида ҳамда Миллий хавфсизлик хизматида ҳисобда турувчи ишловчи пенсионерларнинг пенсиялари, пенсионернинг ҳақиқатда яшаш жойидаги Халқ банки филиаллари томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

ИИВ ҳамда ДБКда ҳисобда турувчи ишловчи пенсионерларнинг пенсиялари, пенсионернинг ҳақиқатда яшаш жойидаги ички ишлар ҳамда божхона хизмати органлари томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ўриндошлик асосида ишловчи пенсионерларга пенсия асосий иш жойидан тўланади.

Ташкилотлар раҳбарлари пенсионерни ишга қабул қилганларида унга пенсия тайинлаган органларга 5 кунлик муддатда бу ҳақда хабар беришлари ва ишга қабул қилганликлари тўғрисида буйруқ кўчирмасини тақдим этишлари шарт.

Оқорида номи келтирилган Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом кучга кирганлиги муносабати билан Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби (рўйхат рақами 198, 1995 йил 20 декабрь) ўз кучини йўқотган деб топилди.

2011 йил 10 майдан кучга кирди.

**МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ...**

Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2011 йил 2 майда 2223-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси (бундан кейин – Қўмита) ва унинг ҳудудий органларига тақдим этиладиган материалларга қуйидагилар кириди: ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши лозим бўлган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлари, зарарлари, муддати ўтган кре-

диторлик ва дебиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотлар; зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва санация қилинаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот; ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисида Қўмита ва унинг ҳудудий органларининг алоҳида сўровига асосан тақдим этиладиган бошқа маълумотлар.

ДСҚ ва унинг ҳудудий органлари солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ солиқ қарзига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини мос равишда Қўмита ва унинг ҳудудий органларига ҳар ойда тақдим этиладилар;

Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳар ойда, мос равишда Қўмитага ва унинг ҳудудий органларига зарар кўриб ишлаётган ва 3 ойдан ортиқ муддати ўтган кредиторлик қарзига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари кесимида электрон кўринишда тақдим этиладилар.

Устав фондида (капиталида) давлат улуши бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар Қўмита ва унинг ҳудудий органларига санация режаси бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача; 1-сонли «Бухгалтерия баланси», 2-сонли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» ва 2а-сонли «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумотнома» шакллари бўйича чораклик молиявий ҳисоботларни (кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари) қонунчиликда белгиланган муддатларда; Қўмита ва унинг ҳудудий органларининг алоҳида сўровига асосан тақдим этиладиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисида бошқа маълумотларни сўров келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида тақдим этилади.

2011 йил 12 майдан кучга кирди.

**«САХОВАТ»ГА МАХСУС КОМИССИЯ ЮБОРАДИ**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан (АВ томонидан 2011 йил 3 майда 1848-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларга ўзгартиришлар киритилди. Уларга биноан Махсус комиссия тақдим этилган ҳужжатларни ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг истагини, шунингдек тиббий-ижтимоий муассасаларда бўш ўринлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда ўрганиб чиқади ва уларни ушбу муассасаларга жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилиб, ҳужжатларни расмийлаштиради (бундан олдин у фақат далолатнома тайёрлаб, унинг асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғи чиқарди).

Расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳудудий бош бошқармаларга юборилади, улар эса ҳужжатлар ва Махсус комиссия қарори келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш тўғрисида буйруқ чиқарадилар.

2011 йил 13 майдан кучга кирди.

**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Президентнинг 2011 йил 4 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамлдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»:ПФ-4305-сон Фармони билан Президентнинг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ-3590-сон Фармонида белгиланган вазифалар билан бир қаторда, Аамлдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятининг асосий йўналишлари, функциялари ва ваколатлари белгиланди. Уларга ҳокимият органларининг бўлиниши принципини ҳаётга татиқ этиш, уларнинг самарали тарзда келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини тизимли ўрганиш, ушбу тажрибадан глобаллашув шароитида жаҳонда рўй бераётган демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг замонавий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда давлат қурилиши тизимида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; жамиятда демократия ва адолатни таъминлашнинг энг муҳим омилли сифатида суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш жараёнларини комплекс таҳлил қилиш, судни инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза ва химоя этишга хизмат қиладиган давлатнинг том маънодаги мустақил институтига айлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш кириди.

Институтининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари биринчи навбатда, қонун ҳужжатлари ҳамда уларга тенглаштирилган ҳужжатлар лойиҳаларини мониторинг ва тизимли таҳлил қилиш жараёни, шунингдек қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг бажарилиши устидан доимий назорат қилиш орқали амалга оширилади.

Ҳужжат билан Институтининг Устави, янги таркиби ва штат жадвали тасдиқланган.

**РИЭЛТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ҚОИДАЛАРИ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон қарори билан Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга биноан лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун Давлат мулки қўмитаси (лицензияловчи орган)да эксперт комиссияси ташкил этилади.

Қуйидагилар риэлторлик фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади: ушбу соҳага доир қонун ҳужжатларига риоя қилиш; фақат риэлторлик фаолиятини амалга ошириш (жисмоний шахслардан ташқари); фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисининг мавжуд бўлиши; лицензия бериш тўғрисида ариза бериш чоғида тўлиқ шакллантирилган устав капиталининг мавжуд бўлиши (жисмоний шахслардан ташқари); штатда риэлторнинг малака сертификатига эга бўлган, фақат битта риэлторлик ташкилотда риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган камида 2 та ходимнинг бўлиши (жисмоний шахслардан ташқари); риэлторлик хизматлари кўрсатишда олинган ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш ва б ошқа бир қатор шартлар. Риэлторлар ҳар ярим йилда 1 марта Давлат мулки қўмитасига ўз фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Давлат мулки қўмитаси талабига кўра

2-бетда

**УШБУ СОҲАДА**

|  |  |   |  |
|--|--|---|--|
| 2-бет                                    | 4-5-бетлар                             | 6-бет   | 7-бет  |
| <b>Меҳнат қонунчилиги: ҳуқуқ ва бурч</b> | <b>Саволлар кадрлар масаласига оид</b> | <b>Товарнинг йўлда ушлаб қолиниши асослими?</b> | <b>Тадбиркорлик субъектларини текшириш: талаблар ўзгарди</b> |
| \$1 = 1699,52 сўм                        | €1 = 2428,53 сўм                       | £1 = 2749,65 сўм                                | ¥10 = 210,08 сўм   |



## ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

**1-бетда** риэлторлик хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ахборотларни тақдим этишлари керак.

Жисмоний шахс – риэлторга лицензия фақат кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига берилади. Куйидаги риэлторлик ташкилотларининг устав капитали:

кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатадиган риэлторлик ташкилотлариники – ЭКИХнинг камида 100 бараварига;

кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш чоғида воситачилик қиладиган риэлторлик ташкилотлариники – ЭКИХнинг камида 500 бараварига;

кўчмас мулк объектларини ишончли бошқаришни амалга оширадиган риэлторлик ташкилотлариники – ЭКИХнинг камида 1 000 бараварига;

кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар савдосини ташкил этадиган риэлторлик ташкилотлариники – ЭКИХнинг камида 3 000 бараварига тенг бўлиши керак.

Риэлторлик хизматларининг бир неча турларини амалга оширмакчи бўлган лицензия талабкори риэлторлик хизматлари устав капиталининг энг кўп миқдори назарда тутилган тури бўйича шакллантирилган устав капиталига эга бўлиши керак.

Низомда лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган, шунингдек аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш; лицензияни қайта расмийлаштириш ҳамда дубликат бериш; лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш масалалари тартибга солинган.

Лицензия берганлик учун ЭКИХнинг 4 бараварига тенг давлат божи ундирилади.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланган Давлат мулки кўмитасига 2 ҳафта мuddатда Риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар бериш тўғрисида хулосалар тайёрлаш бўйича эксперт комиссияси тўғрисидаги низомни ва унинг таркибини, шу-

нингдек Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

### ИМТИЁЗ ҚўЛЛАНИЛМАЙДИГАН ДОРИВОР ВОСИТАЛАРНИНГ РЎЙХАТИ БИР ИЛДА ИККИ МАРТА ЯНГИЛАНАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 132-сон қарори билан Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Унга биноан Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар аҳолининг касалланиши таркибини, ички бозор мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган доривор воситалар билан тўлдирилганлиги ва уларнинг сифатини таҳлил қилиш асосида доривор воситаларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳисобга олинган ҳолда зарурият бўлганда ҳар 6 ойда киритилади. Ўзгартириш ва қўшимчалар: янги доривор воситаларни Рўйхатга киритиш ва ундан чиқаришни; Рўйхатдан доривор воситаларни чиқаришни; Рўйхатга киритилган доривор воситалар импорт монандларининг янги савдо номларини; доривор воситаларни ишлаб чиқариш шакли ва ТИФ ТН коддини назарда тутиши мумкин.

Улар касалланиш таркиби ҳисобга олинган ҳолда ички бозор конъюнктурасининг ўзгариши; ички бозорнинг эҳтиёжини қондириш учун етарли ҳажмда доривор воситаларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; Рўйхатга киритилган доривор воситалар импорт монандларининг янги савдо номлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Доривор воситалар ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош бошқармасида рўйхатдан ўтказилиши (қайта рўйхатдан ўтказилиши); Рўйхатга киритилган доривор воситани ишлаб чиқариш тўхтатилиши (тўхтатиб турилиши); ички бозор эҳтиёжлари таъминланмаслиги натижасида киритилиши мумкин.

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2011 йил 30 апрелдан 6 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 18-сон асосида тайёрланди.**

### МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат    | Сана       | АҚШ доллари |         | Евро    |           | Россия рубли |          |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|-----------|--------------|----------|
|             |            | бирлиги     | курси   | бирлиги | курси     | бирлиги      | курси    |
| Озарбайжон  | 19.05.2011 | 1           | 0,7903  | 1       | 1,1293    | 1            | 0,0282   |
| Арманистон  | 19.05.2011 | 1           | 374,62  | 1       | 532,6     | 1            | 13,37    |
| Беларусь    | 20.05.2011 | 1           | 3145    | 1       | 4476,28   | 1            | 112,48   |
| Грузия      | 19.05.2011 | 1           | 1,6837  | 1       | 2,4008    | 1            | 6,0032   |
| Қозғоғистон | 20.05.2011 | 1           | 145,48  | 1       | 206,77    | 1            | 5,19     |
| Қирғизистон | 20.05.2011 | 1           | 46,2201 | 1       | 66,6182   | 1            | 1,6697   |
| Латвия      | 20.05.2011 | 1           | 0,492   | 1       | 0,702804  | 1            | 0,0175   |
| Литва       | 20.05.2011 | 1           | 2,4193  | 1       | 3,4528    | 10           | 8,6561   |
| Молдова     | 19.05.2011 | 1           | 11,7041 | 1       | 16,6718   | 1            | 0,4178   |
| Тожикистон  | 20.05.2011 | 1           | 4,5108  | 1       | 6,4387    | 10           | 0,1613   |
| Ўзбекистон  | 17.05.2011 | 1           | 1699,52 | 1       | 2428,53   | 1            | 61,02    |
| Украина     | 19.05.2011 | 100         | 797,85  | 100     | 1135,1012 | 10           | 2,8447   |
| Эстония     | 31.12.2010 | 1           | 11,7107 | 1       | 15,6466   | 1            | 0,383246 |

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

## МЕҲНАТ МАШАҚҚАТГА АЙЛАНМАСИН

### ЁКИ МЕҲНАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИҚДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЎРНАТИЛГАН МЕЪЁРЛАР

#### БОЛА МЕҲНАТИ БЕМИННАТМИ?

Маълумки, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш ва бу борадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш тамойилларига оғишмаган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Айниқса, вояга етмаган ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, улар меҳнатининг оғир шаклларига йўл қўймаслик борасида муайян қонунчилик базаси яратилди. Булар қаторида «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида» ҳамда «Бола-лар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойилч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилинишини айтиб ўтиш мумкин. Кейинчалик, яъни 2008 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 207-сон қарори билан юқоридаги конвенцияларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси тасдиқланди. Мазкур қонун ҳужжатлари талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида баалоғат ёшига етмаганлар учун ишга қабул қилишдаги энг кичик ёш 15 ёш қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра вояга етмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғига, хавф-



сизлигига ёки одоб-ахлоқига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида фойдаланиш тақиқланади, шунингдек 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ юк кўтариш ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Вояга етмаганлар меҳнат муносабатларига доир қонун ҳужжатларининг такомиллаштириб борилаётганига 2010 йилнинг 1 февралдан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддасига киритилган қўшимчалар ҳам далил бўла олади.

**Мазкур моддага асосан вояга етмаган шахсларга нисбатан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларининг бузилиши юридик шахсларнинг мансабдор шахсларини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача бўлган миқдорда маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган жисмоний шахслар энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача бўлган миқдорда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.**

Меҳнат муҳофазасини таъминлашда, бу борадаги қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилишда Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси Давлат инспекцияси, унинг туманларга бириктирилган Давлат меҳнат техника инспекторлари томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ўтказилган назорат натижалари айрим қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг юқорида қайд этилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашда оқсоқликка йўл қўяётганликларини кўрсатди. Бундай камчиликлар юзага келишига, кўп ҳолларда, айрим раҳбарларнинг қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар талабларини билмаслиги сабаб бўлмоқда.

Мисоллар билан айтадиган бўлсак, вояга етмаган шахсларга нисбатан меҳнат ва меҳнатни муҳо-

фаза қилишга оид меъёрий ҳужжатлар талабини ба-жармаганлиги учун «China-uk slld textile», «Алфа-Текстиль», «Гулноза қандолат савдо», Хамза тумани Ободонлаштириш бошқармаси ва бошқа қорхоналар раҳбар ва бошқа мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида бевосита Президентимиз раҳнамолигида янги «Ёшлар марказлари», спорт ва маданият мажмуалари барпо этилмоқда, мавжуд мактаб ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув даргоҳлари реконструкция қилиниб, янги, замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда ёшларга бўлган эътиборнинг яққол намунаси дидир.

#### КОРХОНАДА ЖАРОҲАТ ОЛГАЧ...

Давлат инспекцияси ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қонунчиликда белгиланган тартибда қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонунлари, унга оид бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси устидан давлат назоратини олиб бормоқда.

Масалан, Инспекциямиз ходимлари республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида низом асосида ишлаб чиқаришдаги оқибати оғир, ўлим билан тугаган ва гуруҳий бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссиялари ишида қатнашадилар. 2010 йил давомида Тошкент шаҳрининг давлат меҳнат техника инспекторлари раислигидаги комиссиялар томонидан ишлаб чиқаришдаги 87 бахтсиз ҳодиса махсус текширилди. Натижада 14 фар ходимнинг ҳалок бўлгани, 80 нафар ходимнинг оғир тан жароҳати олганлиги аниқланиб, текшириш ҳужжатлари тегишли органларга юборилди.

#### ИШ БЕРУВЧИ! ЖАВОБГАРЛИГИНГИЗ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАНГАНМИ?

2008 йилнинг 11 ноябрида «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. 2009 йилнинг 24 июнь куни мазкур Қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги ҳуқуқнинг 177-сон қарори чиқди. Қарорга 1-илова билан Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари тасдиқланиб, унда юқоридаги Қонунда қўлланилган тушунчаларнинг мазмуни, мақсадлари ёритиб берилган.

Текширишлар давомида «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминламаган, яъни иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни амалга оширмаган, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ шу тоифадаги фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган шароитларни яратмаган ташкилот, қорхона ва муассасалар ҳам учраб турибди. Ўз навбатида, давлат меҳнат техника инспекторлари бундай камчиликларни бартараф этиш юзасидан жойларда тушунтириш ишларини олиб бориб, ёзма кўрсатмалар беришмоқда.

Сўнги сўз ўрнида инспекциямиз ходимлари республикамиздаги барча иш берувчиларни амалда бўлган меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид, шунингдек, аҳолининг айрим қатламига кирувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига сўзсиз амал қилишга чақиради.

Мазкур масалалар бўйича муаммоли саволлар юзага келганда, амалий ва услубий ёрдамни кўрсатишга тайёр эканлигимизни маълум қиламиз. Бунинг учун 233-66-38, 236-13-26 телефон рақамларига қўнғироқ қилиш мумкин.

**Абдулла МЎМИНОВ,**  
Тошкент шаҳар Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси Давлат инспекцияси бошлиғи.  
**Нигмат ШОКИРОВ,**  
инспектор.  
Сурат Интернетдан олинди.

УШБУ  
СОҲДА:

#### ✓ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Меҳнат машаққатга айланмасин

1-2-бетлар

#### ✓ АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

- Зал қисқартирилсин

- Муддати ўтган қарз

- Ҳисобдан чиқарилиб, йўқ қилинсин **3-бет**

#### ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Муддатли меҳнат шартномаси тузиш шартлари
- Бандликка кўмаклашиш маркази банд қилган

4-5-бетлар

#### ✓ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

- Йўлдаги тўсиқлар **6-бет**

#### ✓ НАЗОРАТ

- Ишонч билдириб синаш **7-бет**

- ✓ топ **8-бет**



«DIV» ИИЧБ МЧЖ корхонаси ягона солиқ тўлови тўловчисидир. Фаолият турлари: чакана савдо – 73,2%; улгуржи савдо – 6,9%; бинони ижарага бериш – 13,6%; пулли хизматлар – 6,3%. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйругига асосан чакана савдода асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри савдо майдонининг ўлчамидан келиб чиқиб белгиланади.

«DIV» ИИЧБ МЧЖ 2007 йилда (яъни ушбу буйруқ чиқарилгунча) ўз майдонини реконструкция қилиб, майдони 396 кв.метр бўлган битта савдо залини барпо қилди. Унга улгуржи ва чакана сотиладиган мебель, маиший техника, хўжалик товарлари қўйилган. Шу жумладан: 150 кв.метрда – маиший, хўжалик товарлари, 246 кв.метрда – мебель.

2011 йил 1 чораги учун ҳисоботда биз 150 кв.метрни ва 9 нафар ходим ишлашини кўрсатдик. Тўғри қилдикми?

Х.К.Файбуллаева,  
МЧЖ директори.

## ЗАЛ ҚИСҚАРТИРИЛСИН

– Ҳисобот чораги якунлари бўйича корхонангизнинг асосий фаолият тури чакана савдо (73,2%) ҳисобланади. Шу сабабли корхонангизга ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби татбиқ этилади<sup>1</sup>.

Суткада 12 соатлик иш режими ва 6 кунлик иш ҳафтасида (жами – ҳафтасига 72 соат) чакана савдо корхоналари асосий ходимлари сонининг энг кам меъёри Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга<sup>2</sup> кўра 1-иловага биноан савдо майдонининг ўлчамидан келиб чиқиб белгиланади.

396 кв.метрдан иборат бутун савдо зали асосан чакана сотиладиган товарлар билан бандлиги сабабли, савдо майдони ҳам асосий ходимлар сонини аниқлаш учун 396 кв.метрни ташкил этади. Корхонангиз улгуржи савдо



билан ҳам шуғулланиши боис, савдо залини савдо майдони ва улгуржи сотиладиган товарлар омборига бўлишни тавсия қиламиз. Бу билан сиз ходимлар сонини аниқлаш учун фойдаланиладиган савдо майдони ўлчамини камайтирасиз.

Агар корхонангизда суткада 12 соатлик иш режими ва 6 кунлик иш ҳафтаси (жами – ҳафтасига 72 соат) белгиланган деб фараз қилсак, асосий ходимларнинг сони савдо майдони 396 кв.метрлигидан келиб чиқиб 17 кишини ташкил қилади (200 кв.метр

гача бўлган майдон учун 9 киши ва 200 кв.метрдан ортиқ ҳар 50 кв.метр учун 2 кишидан).

Агар корхонангиздаги иш вақти давомийлиги 72 соатдан ошса, асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрига оширувчи коэффициент қўлланади. Агар у 72 соатдан кам бўлса – пасайтирувчи коэффициент қўлланади (у 0,8 дан кам бўлмаслиги керак). Коэффициентнинг миқдори корхонадаги амалдаги иш вақтининг норматив иш вақтига нисбатини акс эттиради.

Ходимларнинг жами сонини аниқлаш учун асосий ходимлар сонига маъмурий ва техник ходимларнинг ҳақиқатдаги сонини, шунингдек асосий бўлмаган фаолият турларида (улгуржи савдо, бинони ижарага бериш, пулли хизматлар) банд бўлган ходимларнинг ҳақиқатдаги сонини кўшиш лозим.

Наталья МЕМЕТОВА,  
бизнинг экспертими.

<sup>1</sup>Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом (ДСҚ ва МВнинг АВ томонидан 2011 йил 23 февралда 2200-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).

<sup>2</sup>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2010 йил 28 декабрда 2173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруги билан тасдиқланган.

## МУДДАТИ ЎТГАН ҚАРЗ

2005 йилда мен МЧЖда ишлаган эдим. Бухгалтернинг айби билан менга икки марта 240 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзишди, ҳолбуки штат бўйича 120 000 сўм бўлиши керак эди. Ташкилот ортиқча ҳисоблаб ёзилган суммани қисмларга бўлиб 4 ой мобайнида ушлаб қолганлиги эсимда.

2007 йилдан бошлаб ҳозиргача бошқа фирмада ишляпман. Собиқ ишхонам бухгалтери менинг зиммамда гўё 100 000 сўм дебиторлик қарзи «осиғлиқ» эканлигини маълум қилди. Бухгалтер қанчалик ҳақли, зеро унинг хатоси туфайли иш ҳақи икки марта ҳисоблаб ёзилганку? Қандай қонун ҳужжатлари асосида ушбу масалани ҳал қилса бўлади?

К.Шарипов.



– Юридик ёки жисмоний шахс ўзининг поймол этилган ҳуқуқини даъво муддати доирасида даъво такдим этиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра даъво қилиш муддатининг умумий муддати 3 йилни ташкил этади. Бунинг маъноси шуки, МЧЖ қарз юзага келган пайтдан бошлаб 3 йил мобайнида сизга қарзни узиш талаби билан мурожаат қилишга ҳақли эди ёки қарзингизни ундириб бериш даъво билан судга мурожаат қила оларди.

Агар корхона ўз вақтида бунини қилмаган бўлса, ҳозирда у ҳатто суд тартибида ҳам сизни қарзингизни узишга мажбур қила олмайди. 2005 йилда юзага келган қарз бўйича даъво қилиш муддати 2008 йилда тугаган.

Людмила ВОЛОСНОВА,  
«Norma Ekspert» эксперт-иқтисодчиси.

## ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛИБ, ЙЎҚ ҚИЛИНСИН

Моддий қисм бухгалтери бўлиб ишлайман, яқинда қуйидаги масалага тўқнаш келдим: бизда эскирган офис анжомлари (картрижлар, лампалар, хизмат автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар, ўт ўчиргичлар ва бошқалар) ҳисобдан чиқарилади. Маълумки, яроқсиз анжомлар ҳисобдан чиқарилганидан кейин утиллаштирилиши керак. Ўйлашимча, таркибида радиоактив элементлар ва зарарли моддалар бўлган албатта утиллаштириладиган материалларнинг рўйхати бўлиши лозим. Афсуски, бундай маълумотни ўзим қидириб топа олмадим.

Албатта утиллаштириладиган офис анжомлари ва ускуналарининг рўйхатини қаердан топишим мумкинлигини айтсангиз.

Р.Черненко.

– Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфли чиқиндилар учун утиллаштиришнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>1</sup> (бундан кейин – 362-И-сон Қонун) 2-моддасига мувофиқ чиқиндиларга ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хоммаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, шунингдек ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар) кирди. Ана шу моддага кўра, хавфли чиқиндиларга таркибида хавфли (заҳарлилик, юқумлилик, портловчанлик, тез алангаланиб ёнғин чиқарувчанлик, реакцияга тез киришувчанлик, радиоактивлик) хусусиятлардан лоақал биттасига эга моддалар мавжуд бўлган, бундай моддалар фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига, атроф муҳитга ўзи мустақил тарзда ҳам, шунингдек бошқа моддаларга қўшилганда ҳам бевосита ёки потенциал хавф туғдирадиган миқдорда ва шаклда мавжуд бўлган чиқиндилар кирди.

Сиз келтириб ўтган ҳисобдан чиқариладиган офис анжомлари (картрижлар, лампалар, ўт ўчиргичлар ва бошқалар) рўйхатида таркибида симоб бўлган лампалар ва асбоблар учун фойдаланиш ҳамда утиллаштиришнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 405-сон қарори<sup>2</sup> 1-бандига кўра мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ишлатиб бўлинган ва бракка чиқарилган, таркибида симоб бўлган лампалар, асбоблар, маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини таркибида симоб бўлган маҳсулотларни утиллаштириш ёки зарарсизлантиришга (демеркуризациялашга) Табиатни муҳофаза қилиш давлат

қўмитасининг тегишли рухсатномаларига эга бўлган корхоналар ва ташкилотларга топширадиган. Мазкур қарорнинг 2-бандида корхоналарнинг таркибида симоб бўлган маҳсулотларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли рухсатномасисиз мустақил равишда утиллаштиришлари ёки зарарсизлантиришлари тақиқланади.

Баён этилганлардан маълум бўлишича, агар ҳисобдан чиқарилаётган лампалар таркибида симоб бўлган лампаларга кирса, улардан фойдаланиш ва утиллаштиришда юқорида кўрсатилган тартибга амал қилиш лозим. Ҳисобдан чиқарилаётган анжомларни зарарли чиқиндиларга киритиш учун корхонангиз тегишли маълумот олиш учун чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига мурожаат қилиши мумкин (362-И-сон Қонуннинг 6 ва 14-моддалари).

Ҳисобдан чиқарилаётган офис анжомлари ҳисобига келсак, корхонада қабул қилинган ҳисоб сие-сатига мувофиқ анжомлар ва хўжалик жиҳозлари фойдаланишга берилаётганда корхона:

берилган анжомлар ва хўжалик жиҳозлари қийматини тўлалигича, улар вази-фасига боғлиқ ҳолда, ишлаб чиқариш чиқимлари ёки давр харажатларига ҳисобдан чиқариши (4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»нинг<sup>3</sup> 59-банди);

анжомлар ва хўжалик жиҳозлари қийматини, агар у бир-бирлик (комплект) учун харид қилиш пайтида белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан ошса, муддати кечиктирилган харажатларга киритиши (4-сон БҲМС-нинг 60-банди) мумкин.

Фойдаланишга берилган анжомлар ва хўжалик жиҳозлари балансдан ташқари 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» ҳисобварағида цех омборхоналари ва яқка тартибдаги фойдаланувчилар бўйича акс эттирилади. Бундан кейин фойдаланиш учун яроқсиз анжомлар ва хўжалик жиҳозлари 014-ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш далолатномалари асосида ҳисобдан чиқарилади.

Светлана КИМ,  
«Norma Ekspert»  
эксперт-маслаҳатчиси.

<sup>1</sup>2002 йил 5 апрелдаги 362-И-сон.

<sup>2</sup>«Таркибида симоб бўлган лампалар ва асбоблардан фойдаланиш ва утиллаштириш бўйича корхоналарнинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида».

<sup>3</sup>Молия вазирининг АВ томонидан 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруги билан тасдиқланган.



## МУДДАТЛИ МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ



**Тахририятда ишлашга ижодий ва техник ходимларни 1 йилгача муддат билан муддатли меҳнат шартномалари бўйича қабул қилиш мумкинми? Бунда қандай ҳужжатларга амал қилиш лозим?**

Д. Ёқубова.

– Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 76-моддасига мувофиқ муддатли меҳнат шартномалари:

бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин<sup>1</sup>.  
Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сон қарорига<sup>2</sup>

мувофиқ ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузишга қуйидаги ҳолатлар мавжудлигида йўл қўйилиши мумкин:

**бажариладиган ишнинг тафсилоти**га кўра бажариш учун ходим олинган ишни маълум бир муддат ўтгандан кейин объектив сабабларга кўра давом эттиришнинг имкони бўлмаслиги олдиндан маълум бўлганда, яъни у муддатли характерга эга бўлади;

бажариш учун ходим олинган ишни бажариш шартлари. Бунда ишнинг ўзи доимий характерга эга бўлса-да, уни бажаришнинг шартлари ходим билан номуайян муддатга меҳнат шартномасини тузишга тўсқинлик қилади (масалан, қонунларга мувофиқ ходимнинг иш жойи ва бошқалар сақланадиган меҳнат ва ижтимоий таътилларида бўлган вақтига бошқа ходим ишга қабул қилинганда);

**ходимнинг манфаатлари**, яъни у ёки бу ҳолатларга кўра муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ходимнинг манфаатларига асосланган бўлганда.

**Шу тариқа, агар ходим бажариладиган ишларнинг хусусияти юқорида саналган шартларга мувофиқ келса, сиз ижодий ёки техник ходим билан муддатли меҳнат шартномаси туза olasiz. Агар у ушбу талабларни ҳисобга олмаган ҳолда тузилган бўлса, унинг муддат тўғрисидаги шарт ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса биринчи иш қунидан бошлаб номуайян муддатга ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.**



**1. Хорижий ходимни ишга қабул қилиш қандай расмий-лаштирилади?**

**2. Агар меҳнат дафтарчаси хорижий фуқаронинг манлакатидеда юритилса, ундан меҳнат дафтарчасини талаб қилиш керакми? Унга ёзув киритиш лозимми? Қайси тилда киритилади? Ёки унинг учун янги меҳнат дафтарчаси юритиш зарурми? Агар хорижий шахс ишга биринчи бор кираётган бўлса, биз унга меҳнат дафтарчаси юрита оламизми?**

**3. Хорижий шахс учун Пенсия жамғармасига тўловлар ўтказиш керакми?**

**4. Меҳнат стажи, ҳарбий бурч масалалари бўйича хорижий шахсга Т-2 шакли (шахсий варақ) қандай тўлдирилади?**

**5. Агар лавозими штат бўйича бўлса, хорижий шахс яшаш гувоҳномасини олиши шартми ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтиши етарли бўладими?**

А.Мирзаева. Чирчиқ шаҳри.  
М.Сапарова. Тошкент шаҳри.

## АГАР ХОДИМ

### 1. ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Хорижий фуқароларни ишга қабул қилишни тартибга соладиган асосий ҳужжатлар Меҳнат кодекси ва Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом<sup>1</sup> (бундан кейин – 408-сон Низом) ҳисобланади.

### Агар хорижий шахсда яшаш гувоҳномаси бўлмаса

Меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон

<sup>1</sup>ВМнинг 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги касб фаолияти тўғрисида» 408-сон қарорига 2-илова.

Республикасига келувчи хорижий фуқаро иш берувчи томонидан олинган рухсатнома асосида унинг номига берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси бўлгандагина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаши мумкин.

Рухсатномалар ўзбекистонлик юридик шахсларга, республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга, шунингдек ўз шахсий ҳўжалигида ёлланган ходимлар меҳнатидан фойдаланувчи айрим ўзбекистонлик ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи хорижий жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Бунда хорижий ходимлар меҳнат фаолиятларининг давом этиш муддати рухсатноманинг амалда бўлиш вақтидан ошиб

# БАНДЛИККА КўМАКЛАШИШ



**Корхонада иш жойлари қандай қилиб банд қилинишини тушунтириб берсангиз. Кадрлар бўйича инспектор.**

– Аҳолининг иш билан таъминланишига кўмаклашиш мақсадида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам миқдорини банд қилишлари керак.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>1</sup> (бундан кейин – 186-сон Низом) 3-бандига мувофиқ ушбу тоифага қуйидагилар кирди:

ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;

ногиронлар;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар.

Меҳнат бозорига вужудга келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) маркази (бундан кейин – Бандликка кўмаклашиш маркази) тавсиясига кўра иш ўринлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларнинг бошқа тоифалари учун ҳам, шу жумладан, сафарбарлик чақирuvi захирасига киритилган шахслар, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар, атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан оғриётган шахслар учун ҳам банд қилиб қўйилиши мумкин.

**ИШ ўРИНЛАРИ СОНИ ҲАҚИДА**

186-сон Низомнинг 5-бандига кўра иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларининг рўйхат бўйича ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар

учунгина белгиланади. Бунда ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида 3 фоизи миқдоридеда иш ўринларининг энг кам сони белгиланади ва банд қилиб қўйилади.

**Банд қилиб қўйилаётган иш ўринларининг миқдори.** Ёлланиб ишлайдиган ходимларнинг сони статистикаси ва иш ҳақи бўйича йўриқномага<sup>2</sup> мувофиқ ҳисоблаб чиқариладиган ташкилот ходимлари рўйхат бўйича ўртача сонининг 7 фоизидан ортиқ миқдорда белгилиниши мумкин эмас.

**МИСОЛ.** Ташкилот ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони 50 кишини ташкил қилади. Ногиронлар учун 1,5 иш ўрни (50 x 3%) банд қилиниши керак (масалан, бир бирлик тўлиқ ставкада, бошқаси ярим ставкада).

Энг кўпи 3,5 иш ўрни (50 x 7%) банд қилиниши мумкин: 1,5 иш ўрни – ногиронлар учун ва 2 иш ўрни ишга жойлаштиришга муҳтож бошқа шахслар учун.

### БАНД ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТўҒРИСИДА

Юқорида кўрсатилган шахслар учун иш ўринлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан банд қилинади, улар ҳар йили туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган ташкилотлар бўйича шакллантирилган таклифлар асосида иш ўринлари сонини ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқади. Бунда номуайян ташкилотда ишларнинг профессионал таркиби ва унинг фаолияти хусусиятлари ҳисобга олиниши керак.

Банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш учун туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари бошчилик қиладиган махсус комиссия тузилади. Ҳокимнинг қароридеда ташкилотлар бўйича алоҳида банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сони, банд қилиб қўйиладиган иш ўринларига талаблар, квотадан ортиқ банд қилинадиган иш ўринлари яратганлик учун тақдирлаш чоратадбирлари, қарор бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган санкциялар кўрсатилади. Мазкур қарор календарь йили бошлангунгача 3 ойдан кечиктирмай, яъни октябрдан қолдирмай ташкилотлар эътиборига етказилади.

Ташкилот, ўз навбатида, йил бошлангунгача 10 кундан

кечикмай юқорида кўрсатилган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари умумий сонининг камида 25 фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминлайди, бу тўғрида Бандликка кўмаклашиш марказига йил бошлангунгача ахборот бериши шарт.

**МИСОЛ.** Ташкилот ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони 50 кишини ташкил қилади. Энг кўпи 3,5 иш ўрни (50 x 7%) банд қилиб қўйилиши мумкин. 21 декабр гача ташкилот 0,9 ўринни банд қилиши ва бу ҳақда Бандликка кўмаклашиш марказига 31 декабр гача хабар қилиши керак.

**Қолган иш ўринларини банд қилиб қўйиш иш берувчи томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу тўғрида Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин 10 кундан кечикмай ахборот берилади.**

Кўрсатилган шахслар тоифалари учун қўйиладиган тегишли талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шароитларини таъминлайдиган иш ўрни ташкил этилган иш ўрни ҳисобланади. Чунончи, ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун иш ўринлари болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини бериши, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлиши керак. Таълим муассасаларини тугатган ёшлар, шунингдек муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун иш ўринлари уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлиши лозим. Ногиронлар учун иш ўринлари меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган бўлиши керак. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари банд қилинади. Жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун эса уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолда иш ўринлари, номуайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари берилиши лозим.

186-сон Низомнинг 7-бандига мувофиқ юқорида кўрсатилган шахслар ишга жойлаштириб бўлинган иш ўринлари кейинги давр учун банд қилиб қўйиладиган

<sup>1</sup>ВМнинг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарорига 1-илова.

<sup>2</sup>Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 30 июлда 788-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

«Кадрлар бўлими» рукнини «Норма» МЧЖ юрисконсульти Мария ТУХТАРОВА олиб боради.





## ХОРИЖЛИК БЎЛСА

Тамаслиги керак. Уларни Ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича агентлик 408-сон Низомда назарда тутилган тартибда беради<sup>2</sup>.

Агар хорижий шахс яшаш гувоҳномасига эга бўлса

Ўзбекистонда яшовчи ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган ҳамда

доимий рўйхатга олинган хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ишга жойлашгаётганида иш берувчи томонидан махсус рухсатнома ва меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси олиниши назарда тутилмайди, чунки 408-сон Низомнинг талаблари уларга татбиқ этилмайди.

<sup>2</sup>Рухсатнома олиш тартиби тўғрисида [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида батафсилроқ ўқишингиз мумкин.

<sup>3</sup>Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низомнинг 4-банди (Президентнинг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-2240-сон Фармонида 2-илова).

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб этиш ва унинг фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни қўллаш тартиби ҳақидаги йўриқ-қоидаларнинг 11-банди (Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1996 йил 20 ноябрда 285-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Меҳнат муносабатларини расмийлаштириш ушбу ҳолда умумий тартибда амалга оширилади.

### 2. ХОРИЖИЙ ХОДИМЛАРНИНГ МЕХНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ЮРИТИШ

МКнинг 11-моддасига мувофиқ меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади. МКнинг 81-моддасига биноан иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Иш берувчи томонидан ходимнинг меҳнат дафтарчаси талаб қилиниши ҳуқуқи МКнинг 80-моддасида мустаҳкамланган.

Бироқ меҳнат дафтарчалари институти кўпгина давлатларда мавжуд эмас. Масалан, АҚШ ва Европа мамлакатларининг катта қисмида улар юритилмайди. Ушбу ҳолда ҳам, ходим ишга илк марта қабул қилинаётгандек, хорижий фуқароларга меҳнат дафтарчаси умумий тартибда юритилиши мумкин.

#### ТАКЛИФ

Хорижда берилган меҳнат дафтарчаларини юритиш масаласини тартибга солиш мақсадида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, республикамизга вақтинча келган хорижий ходимларнинг меҳнат дафтарчаларини юритиш мажбурияти чиқариб ташланиши керак.

Агар ходимда (масалан, у МДХ мамлакатидан бўлса) меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлса, бу ҳолда иш берувчи унга ёзуви қайд этади, чунки Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари хорижий фуқароларга ҳам татбиқ этилади.

### 3. ПЕНСИЯ ЖАМФАРМАСИГА АЖРАТМАЛАР

Солиқ кодекси 305-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларгина суғурта бадалларини тўловчилардир.

Доимий яшовчи хорижий фуқаролар деб Ўзбекистонда доимий яшашга Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган рухсатнома ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган хорижий фуқарога яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан берилган яшаш гувоҳномаси унга Ўзбекистон ҳудудида доимий рўйхатга олиниш ҳуқуқини беради<sup>5</sup>.

Шу тариқа, агар хорижий фуқаро вақтинча яшаётган бўлса, иш берувчилар унинг даромадларидан суғурта бадалларини

ҳам, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий ажратмаларни ҳам ушлаб қолишга ҳақли бўлмайди. Агар у бу ерда доимий яшаса, барча ажратмалар амалга оширилиши керак.

### 4. ШАХСИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ТЎЛДИРИШ

Хорижий ходимларнинг шахсий ҳужжатларини тўлдириш ҳам умумий тартибда, яъни ўзбекистонлик ҳамкасблариники сингари, амалга оширилади.

### 5. ПАСПОРТ РЕЖИМИ

Ўзбекистонда муддати ўтган виза билан ёки ИИБда 3 кундан кўп муддат, бунга дам олиш ва байрам кунлари кирмайди, рўйхатга олинмай бўлувчи ёки Ўзбекистонга туристик меҳмон визаси ёхуд «ёллашиб ишлаш ҳуқуқисиз» белгиси қўйилган виза бўйича келган хорижий мутахассисларга меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномасини олишга ҳужжатлар пакети қабул қилинмайди<sup>4</sup>.

Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномасини олиш ва хорижий ходимни штатга расмийлаштириш учун у вақтинчалик рўйхатга олиниши керак (республикага кириш учун бошқа зарур ҳужжатлардан ташқари), уни ўз вақтида узайтириб туриши лозим. Агар унда яшаш гувоҳномаси бўлса, меҳнат фаолиятини юритишга рухсатнома олиши керак эмас, бироқ у ҳам паспорт режимига риоя қилиши, яъни вақтинчалик ёки доимий рўйхатга олиниши керак.

# МАРКАЗИ БАНД ҚИЛГАН

иш ўринлари сонини белгилашда ҳисобга олиниши керак. Яъни улар банд қилинадиган жойларнинг энг кўпи билан 7 фоизи ҳисобида инobatга олинади.

Улар учун банд қилинган иш ўринларига шахсларни ташкилот мустақил равишда ёки Бандликка кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ишга жойлаштирилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар чоракда Бандликка кўмаклашиш марказига 186-сон Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда юқорида кўрсатилган шахсларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этишлари керак.

### БАНД ҚИЛИНГАН ИШ ЎРИНЛАРИНИ ҚИСКАРТИРИШ ЁКИ ТУГАТИШ

Иш ўринларининг энг кам сонига мувофиқ банд қилиб қўйилган энг кам иш ўринлари сонини қисқартиришга ёки тугатишга фақат касаба уюмлари кўмиталари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, бандликка кўмаклашиш марказлари билан келишган ҳолда йўл қўйилади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарори асосида амалга оширилади.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сонининг ўзгаришига олиб келган иш ҳажмларининг қисқариши билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда банд қилиб қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштирилган шахсларда иш ўринлари, агар ушбу шахслар сони маҳаллий давлат органи томонидан белгиланган миқдордан ошмаса, устувор тартибда сақланиб қолади.

Банд қилиб қўйилган иш ўрни илгари ушбу иш ўрни эгаллаб келган шахс билан тузилган меҳнат шартномасининг тўхтатилиши муносабати билан бўшаб қолган тақдирда ташкилот ўн кун муддатда Бандликка кўмаклашиш марказига янгидан очилган бўш иш ўрни тўғрисида маълум қилиши шарт.

### ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

Банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотнинг ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қарайди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасига кўра вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори билан мансабдор шахсларга белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори ЭКИХнинг 5 бараваридан ошмаслиги керак.



2009 йил охирида биз Паркент туман Бандликка кўмаклашиш марказидан ҳокимнинг «Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиш тўғрисида» қарорини олдик. Унга кўра, бизнинг корхонамиз ёлғиз яшовчи ва қарамоғида 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган кўп болали ота-оналар учун 1 иш ўринини; таълим муассасаларини битирган ёшлар учун 1 иш ўринини банд қилишимиз шарт эди.

Корхона банд қилинган иш ўринларига шахсларни мустақил равишда ишга жойлаштирди. Қонун ҳужжатларига мувофиқ биз ҳар чоракда туман Бандликка кўмаклашиш марказига ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар ишга жойлаштирилгани тўғрисида ахборот тақдим этамиз. Бундан ташқари, биз улар ишга қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган қўшимча ҳужжатларни (паспорт нусхалари, маълумотномалар ва ҳоказо) ҳам тақдим этдик. Ҳозирги вақтда белгиланган квотага асосан ишга қабул қилинган ходимлар ташкилотимизда ишлашда давом этапти.

2010 йил 12 февралда Бандликка кўмаклашиш маркази огоҳлантирувчи хат юборди, унда ҳокимнинг қарорини бажармаганлик учун иш берувчи жаримага тортилиши қайд этилган, бироқ 186-сон Низомга кўра бундай ахборотни (1 чорак учун ҳисоботни) биз 2010 йил 10 апрелдан кечикмай тақдим этишимиз керак эди.

2010 йил 16 мартда Бандликка кўмаклашиш марказининг меҳнат ва ижтимоий муҳофаза бўйича давлат инспектори биздан ҳоким қарорини бажармаганлигимиз сабаблари тўғрисида тушунтириш хати беришимизни талаб қилди ва иш берувчи жарима солиш тарзида маъмурий жавобгарликка тортилишини маълум қилди. Бироқ иш жарима солишга қадар бормади, чунки биз барча қондаларга риоя этганлигимиз тўғрисидаги вақтларни келтира олдик.

2010 йилда биз ҳокимнинг 2011 йилда ўрта махсус ўқув юрталарини битирган ёшлар учун 2 иш ўринини банд қилиш тўғрисида қарорини олдик. Жорий йил бошида ахборот бериш талаби билан боғлиқ вазият тақрорланди. Бундан ташқари, бугунги кунда бизга ижтимоий муҳофазага муҳтож 4 кишининг ишга жойлаштирилишини таъминлаш таклифи қилинган (яъни 2010 ва 2011 йиллар учун квоталар бир-бирига қўшилган).

1. Бандликка кўмаклашиш маркази ҳар ойда иш ўринларини банд қилиш тўғрисида ахборот топширишни талаб қилишга ҳақлими?

2. Агар 2009 йилда ушбу ўринларга ходимлар қабул қилинган ва улар ишлашда давом этаётган бўлсалар, нима сабабдан Марказ иш берувчи квотага кўра 2011 йилда 2 ходимни ишга қабул қилишни талаб қилган? Зеро бизнинг корхонамиз – ходимларнинг чегараланган ўртача йиллик сони 50 кишидан ошмайдиган кичик бизнес субъекти. Биз ҳар йили квоталар бўйича янги иш ўринларини барпо этишимиз ва кишиларни ишга қабул қилишимиз мушкул. Илгари белгиланган квота бўйича қабул қилинганларни ишдан бўшатишга ҳам ҳақли эмасмиз, зеро улар ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслардир.

Я.Тян,  
ижрочи директор.

– 1. Бандликка кўмаклашиш марказига қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

янги йил бошланишига қадар – белгиланган квотанинг камида 25%и ҳажмида иш ўринларини банд қилиш ва тайёрлашни таъминлаш тўғрисида;

1 чорак тугаганидан кейин 10 кундан кечикмай – иш ўринларининг қолган қисмини банд қилишни таъминлаш тўғрисида;

ҳар чоракда ойнинг 10-кунига қадар – банд қилинган иш ўринларига шахсларни ишга жойлаштириш тўғрисида.

Бандликка кўмаклашиш маркази ушбу маълумотларни ҳар ойда талаб қилишга ҳақли эмас. Хатингизнинг

маъносидан келиб чиқилса, унинг даъво-эътирозлари сиз янги йил бошланишига қадар тақдим этишингиз керак бўлган, банд қилинган иш ўринларининг тайёргарлиги тўғрисида ахборотни тақдим этмаганлигингиз билан боғлиқ бўлса керак.

2. Бандликка кўмаклашиш маркази, агар бу миқдор ташкилотингиз ходимларининг рўйхатдаги ўртача сонининг 7%идан ошмаса, 4 иш ўринини банд қилишининг талаб қилишга ҳақлидир. Тегишинча, агар уларнинг сони (банд қилинган ўринларга ишга қабул қилинганларни ҳисобга олган ҳолда) ташкилотингиз ходимларининг рўйхатдаги ўртача сонининг 7%идан ошса – бунга ҳақли эмас.

«Кадрлар бўлими» рукнини «Ногта» МЧЖ юрисконсулти Мария ТУХТАРОВА олиб боради.



## АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

|  |          |     |                                     |
|--|----------|-----|-------------------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги      | (371)    | 008 | 236-38-87<br>233-47-68<br>236-05-09 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги | (361)    | 008 | 223-81-03<br>223-34-00              |
| Тошкент шаҳар адлия бошқармаси               | (371)    | 008 | 262-92-42<br>269-14-45              |
| Андижон вилоят адлия бошқармаси              | (374-2)  | 008 | 24-42-31<br>22-30-80                |
| Бухоро вилоят адлия бошқармаси               | (365-2)  | 008 | 23-74-16<br>23-21-20                |
| Жиззах вилоят адлия бошқармаси               | (372-2)  | 008 | 26-35-81<br>26-41-49                |
| Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси            | (375-2)  | 008 | 23-01-64<br>23-01-73                |
| Навоий вилоят адлия бошқармаси               | (436-2)  | 008 | 23-80-47<br>23-01-38                |
| Наманган вилоят адлия бошқармаси             | (369-2)  | 008 | 26-51-93                            |
| Самарқанд вилоят адлия бошқармаси            | (366-2)  | 008 | 33-04-62                            |
| Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси           | (376-2)  | 008 | 23-26-84                            |
| Сирдарё вилоят адлия бошқармаси              | (367-2)  | 008 | 25-09-69<br>25-41-19                |
| Тошкент вилоят адлия бошқармаси              | (371)    | 008 | 280-51-04<br>280-50-96              |
| Фарғона вилоят адлия бошқармаси              | (373-2)  | 008 | 24-15-49                            |
| Хоразм вилоят адлия бошқармаси               | (362-22) | 008 | 6-86-47<br>6-65-50                  |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Агар Сизга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари маълум бўлса, Давлат божхона қўмитаси раҳбариятини куйидаги Ишонч телефонлари орқали хабардор қилишингизни сўраймиз.

| Таркибий тузилмалар                             | Телефон рақами                 |
|---|--------------------------------|
| Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати       | (8-371) 120-76-33              |
| Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси | (8-361) 224-02-68              |
| Андижон вилояти божхона бошқармаси              | (8-374) 224-28-27<br>224-29-30 |
| Бухоро вилояти божхона бошқармаси               | (8-365) 770-06-30<br>770-06-36 |
| Жиззах вилояти божхона бошқармаси               | (8-372) 223-31-63              |
| Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси            | (8-375) 221-05-01              |
| Навоий вилояти божхона бошқармаси               | (8-436) 223-08-65<br>223-87-87 |
| Наманган вилояти божхона бошқармаси             | (8-369) 234-33-01<br>223-35-01 |
| Самарқанд вилояти божхона бошқармаси            | 8-366) 234-39-57<br>234-26-26  |
| Сирдарё вилояти божхона бошқармаси              | (8-367) 227-89-45<br>227-89-08 |
| Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси           | (8-376) 225-13-51<br>225-26-05 |
| Тошкент вилояти божхона бошқармаси              | (8-371) 120-86-10              |
| Тошкент шаҳри божхона бошқармаси                | (8-371) 120-76-76<br>120-76-71 |
| Фарғона вилояти божхона бошқармаси              | (8-373) 224-72-38              |
| Хоразм вилояти божхона бошқармаси               | (8-362) 226-93-61<br>226-16-50 |
| "Тошкент-Аэро" ИБК                              | (8-371) 120-86-30              |

Мурожаатлар анонимлиги кафолатланади.

## ЙЎЛДАГИ ТЎСИҚЛАР

❓ **Ҳурматли таҳририят, бизни жуда ҳам қизиқтираётган саволга жавоб берсангиз. Пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган товар реализация қилинаётганида, агар:**

**а) сотувчи импорт қилувчи бўлса;**  
**б) сотувчи ушбу товарни Ўзбекистон Республикаси ичида сотиб олган бўлса, сотувчи харидорга қонун ҳужжатларига мувофиқ қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?**

**Товарлар реализация қилинганда ҳисобварақ-фактура билан бирга БЮД тақдим этиш зарурми? Газетангизда ушбу масала муҳокама қилинганлигини биламиз, бироқ сиз «тақдим этишни тавсия қиламиз», «шарт эмас, бироқ мақбул» дея анчагина мавҳум тарзда жавоб бергансиз. Бу саволга аниқ жавоб берсангиз, чунки ушбу масала товарлар сотувчиларининг жуда кўпчилигини қизиқтиради. ЙХХДХ ходимларининг республикада сотиб олинган товарга БЮД тақдим этишни талаб қилиши охир-оқибатда харидорлар ишига тўғаноқ бўляпти. Импорт қилувчи сотувчи ёки товарни ички бозорда ўзи сотиб олган (ва, тегишинча, ўз номига БЮДга эга бўлмаган) сотувчи харидорга товарга доир БЮД нусхасини тақдим этиши шартми? Ахир БЮДдаги ахборот сир сақланиши мумкин.**

Ж.Яхапов,

«BURAN-SAVDO» ХКнинг директор ўринбосари.

– Бундай мазмундаги хатлар бизга кўп келади. Таҳририятга худди шу каби саволлар билан тадбиркорлар тез-тез мурожаат қиладилар. Гарчи ташиладиган товарларга доир ҳужжатлар бўйича тушунтириш материаллари бир неча марта чоп этилган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мушкул вазиятлар юзага келишда давом этапти.

Бизга қилинаётган мурожаатлар моҳиятидан куйидаги асосий муам-

танишиб чиқиш учун тақдим этмайдилар.

**Куйидаги қоидаларга эътибор қаратиш керак.**

**Биринчидан,** БЮД импорт товарлари олиб кирилишининг қонунийлигини тасдиқлайди. Кейинчалик бошқа шахсларнинг уларни импорт қилувчидан харид қилиши қонунийлигини БЮД эмас, балки олди-сотди шартномаси тасдиқлайди.

**Иккинчидан,** харидорларда им-



моларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

1) постлардаги назорат қилувчи органларнинг ходимлари, бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда, товарларнинг эгаси импорт қилувчи эканлигидан ёки уларни республика ичида «божхонадан ўтказилган ҳолда» сотиб олганидан қатъи назар, мажбурий



тарзда БЮД нусхасини ҳам талаб қиладилар;

2) БЮД нусхаси бўлмаган ҳолда товарлар уларни олиб кириш ҳолатлари аниқланганига қадар ушлаб қолинади. Бунда кўпинча ҳеч қандай процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилмайди;

3) талаблари ва хатти-ҳаракатларининг қонунийлигини асослаб беришлари хусусидаги корхоналар вакилларининг илтимосларига давлат органларининг ходимлари юқори тузилмаларнинг қандайдир кўрсатмаларини рўқач қилиб кўрсатадилар, бироқ қабул қилинган ҳужжатларнинг рақамлари ва саналарини айтмайдилар, уларни

порт қилувчининг БЮД нусхаси бўлиши мақбуллиги тўғрисидаги тавсиялар давлат органлари ходимларига эмас, балки фақат тадбиркорлик субъектларига тааллуқли. Тавсиялар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кирмайди, ижро учун мажбурий эмас ва республика ичида қонуний йўл билан харид қилинган товарларни йўлда ушлаб қолиш ҳамда олиб қўйиш учун асос бўла олмайди.

**Учинчидан,** олиб кирилишининг қонунийлигини текшириш учун товарлар олиб қўйилганда албатта далолатнома (баённома) тузилиши, улар эгасининг ваколатли вакили эса имзо қўйган ҳолда у билан таништирилиши шарт.

**Тўртинчидан,** тадбиркорлик субъекти давлат органлари вакиллари билан улар талаблари ҳамда содир этаётган ҳаракатлари қонунийлигини асослаб беришни талаб қилишга ҳақлидир, мазкур ходимлар эса ўз навбатида ушбу талабларни бажаришлари шарт («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>1</sup> 31-моддаси, бундан кейин – 69-И-сон Қонун). Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан назарда тутилган асослар бўлмаса, мазкур талаблар ва ҳаракатлар ноқонуний ҳисобланади.

**Бешинчидан,** давлат органлари томонидан улар ваколатлари доирасида қабул қилинган, ижро учун мажбурий кўрсатмаларни ўз ичига олган расмий ҳужжатлар «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун<sup>2</sup> билан белгиланган шаклларда қабул қилиниши ва расмий манбаларда белгиланган тар-

тибда чоп этилиши керак.

Шу тарихда, агар олиб ўтилайтми, товарлар республика ҳудудида олдинги сотди шартномалари бўйича қонуний йўл билан харид қилинган, субъект эса куйидаги вазиятга тўқнаш келган бўлса, яъни:

ундан мазкур аниқ ҳолатда қонун томонидан назарда тутилмаган юкка доир ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинса;

товарлари далолатнома (баённома)ни расмийлаштирмасдан туриб олиб қўйилса;

ўз талаблари ва ҳаракатларининг қонунийлигини давлат тузилмаларининг ходимлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқламасалар,

**у:**  
**жойнинг ўзида давлат органининг «ишонч телефони» орқали кўнғирок қилиши ва унинг ходими (ходимлари) томонидан ўзини ҳуқуқлари бузилганлиги далиллар тўғрисида маълум қилиши;**

**муайян давлат органининг юқори бўлимасига унинг ходимларининг ҳаракатлари устидан шикоятни, уларни фамилиялари билан кўрсатган ҳолда расмийлаштириши ва тақдим этиши (69-И-сон Қонуннинг 49-моддаси);**

**ходимлари унинг ҳуқуқларини бузган давлат органининг ҳаракатлари устидан даъво (шикоят)ни расмийлаштириши ва судга бериши мумкин. Бунда муайян вазиятга боғлиқ ҳолда товарлар олиб қўйилишининг ҳақиқий эмаслигини эътироф этган ҳолда уларни қайтариб бериш, товарларнинг ноқонуний олиб қўйилиши боис етказилган зарарларни қоплаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ва ҳоказоларни талаб қилиш даъво предмети бўлиши мумкин (69-И-сон Қонуннинг 38-моддаси; Президентнинг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармонининг<sup>3</sup> 3-банди).**

Бугунги кунда мавжуд бўлган муаммога давлат органлари эътиборини қаратишни хоҳлардик. Контрабанда товарлари ва уларни ноқонуний олиб ўтаётган шахсларни аниқлаш тизими уларнинг назорат қилувчи органларнинг айрим вакиллари томонидан эркин талқин этилишига йўл қўймайдиган аниқ қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларга асосланиши керак. Бунда ЙХХДХ постларида транспорт воситалари ва олиб ўтилаётган юкларни текшириш билан боғлиқ масалаларни меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тартибга солиш, улар таомилани тартибга келтириш, қонунга риоя этувчи, контрабанда билан алоқаси бўлмаган бизнес субъектларининг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик учун юк текширилишининг қисқа муддатларини белгилаш лозим.

Артём МОКШИН,  
«Норма» МЧЖ эксперт юридик  
хизматининг бошлиғи.

<sup>1</sup>2000 йил 25 майдаги 69-И-сон.

<sup>2</sup>2000 йил 14 декабрдаги 160-И-сон.

<sup>3</sup>«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».



# ҚОНУНЧИЛИК ШАРҲИ ИШОНЧ БИЛДИРИБ СИНАШ

Президентнинг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сон Фармони<sup>1</sup> билан (бундан кейин – ПФ-4296-сон Фармон) солиқ органлари ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларга қўйилган талаблар ўзгартирилди.

## КИМЛАРГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

ПФ-4296-сон Фармон Классификацияси (таснифи) Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарори<sup>2</sup> билан тасдиқланган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилади.

даланиш билан боғлиқ хўжалик юритувчи субъектларга. Масалан, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажарадиган, давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган манбалар маблағлари ҳисобига молияланадиган пудрат ташкилотлари; мактабларнинг ўқув анжомлари, қоғоз, бошқа матбаа маҳсулотларини етказиб бе-

Кичик тадбиркорлик субъектлари куйидагилардир:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқлардаги:

енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

2000 йил 25 майдаги 69-И-сон «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қоллатлари тўғрисида»ги Қонун, 5-модда, биринчи қисм.

## ЯНГИЛИКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

1 ПФ-4296-сон Фармон билан янги барпо этилган кичик тадбиркорлик субъектлари солиққа доир режали текширувлардан ўтказил-  
то: ладиган мuddат 2 йилдан 3 йилга ўзгартирилди. Бу меъёр куйидагиларга тааллуқли эмас:

рўйхати ҳар йили Президентнинг қарори билан тасдиқланадиган акцизли товарлар ишлаб чиқарадиган хўжалик юритувчи субъектларга. Рўйхатга куйидаги маҳсулотлар киритилган: этил спирти, вино, коньяк, пиво, ўсимлик мойи, сигареталар, заргарлик буюмлари ва бошқа товарлар;

бюджетга доир ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фой-

ришга (ўқув адабиёти бундан мустасно) давлат буюртмаларини олган кичик бизнес субъектлари; транспорт воситалари, уй-жой ва но-турар жойларни мукамал ҳамда ўртача таъмирлайдиган корхоналар ва бошқалар (Президентнинг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сон қарорига<sup>3</sup> 3, 4-иловалар).

Ушбу тадбиркорлик субъектларини, аввалгидек, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 2 йил мобайнида режали тартибда текшириш мумкин эмас.

2 ПФ-4296-сон Фармонга кўра, 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 ап-

религача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келадиган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади. Рентабеллик кўрсаткичи ҳам, ўсиш суръатлари ҳам ҳужжатда белгиланмаган. Бироқ, фикримизча, мазкур меъёр исталган миқдорда фойда оладиган ва ўз фаолиятининг ижобий динамикасини намоён этаётган корхоналарга нисбатан қўлланиши керак. Юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жинойи ишлар доирасида, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно.

3 ПФ-4296-сон Фармонга кўра кичик корхоналарни текшириш мuddатларини 30 кундан ошириш тақиқланган. Илгари қонунчилик Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори асосида уларни узайтириш мумкинлигини назарда тутар эди. Энди бундай имконият фақат кичик бизнесга тааллуқли бўлган хўжалик юритувчи субъектларни текширишларга нисбатан сақланиб қолди.

## ЭЪТИБОР БЕРИНГ

1 Янги барпо этилган кичик корхоналарда солиқ соҳасидаги текширувлар ўтказилмайдиган мuddатнинг оширилиши режадан ташқари солиқ текширувлари, шунингдек санитария-эпидемиология, ўт ўчириш ва бошқа органларнинг режали текширувларига татбиқ этилмайди.

2 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда текширувлар ўтказишга тақиқ нафақат режали текширувларга, балки режадан ташқари текширувларга (хўжалик юритувчи субъект тугатилишида ва юқорида қайд этилган бошқа ҳолларда ўтказиладиган текширувлар бундан мустасно) нисбатан ҳам амал қилади. Бинобарин, бунга нималар асос қилиб келтирилишидан қатъи назар, ушбу даврда солиқларни

бошлиқларининг буйруқлари асосида, кейинчалик қисқа мuddатли текшириш ўтказилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясини хабардор қилган ҳолда ўтказилиши ҳуқуқининг берилиши.

2 Назорат қилувчи органларнинг Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз амалга оширадиган назорат функциялари рўйхатлари куйидагилар билан тўлдирилди:

1) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Лимитланган сувдан фойдаланиш устидан назорат қилиш бўйича республика сув инспекциясининг сувдан фойдаланувчилар томонидан ирригация тизимлари бошқармалари билан тузилган сувдан фойдаланиш шартномалари бўйича мажбуриятларга риоя этиши устидан назорат қилиши. Мазкур меъёр сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюмлари, коммунал-маиший соҳадаги хўжалик юритувчи субъектлар, гидроэнергетика корхоналари, бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тааллуқлидир («Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>7</sup> 18-моддаси, бундан кейин – 837-ХII-сон Қонун);

2) белгиланган тартибда расмий равишда тўхтатилган даврда якка тартибдаги тадбиркорликни амалга оширишни давом эттираётган жисмоний шахслар фаолиятини текшириш. Бунда улар фаолиятини тўхтатишидан олдинги даврдаги иш юртишини текширишга йўл қўйилмайди. Масалан, кийим тиқиш билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркор 2011 йил 1 январдан бошлаб уни 3 ойга тўхтатишга қарор қилиб, олдиндан тегишли ариза берди ва рўйхатга олиш инспекциясига давлат рўйхатига олинганлик гувоҳнома-сини топширди. Бироқ амалда у кийим тикишда давом этган. Бундан хабар топ-

ўз вақтида тўлаб келадиган ҳамда ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигига эришадиган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари солиққа доир текшириш мумкин эмас.

3 Мазкур меъёрини ҳуқуқий ҳужжат татиқ этиладиган тадбиркорлик субъектларини текширишлар текширишлар режа-жадвалидан чиқариб ташланиши керак\*.

4 Назорат қилувчи органлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши (бундан кейин – Кенгаш) ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий комиссияларига (бундан кейин – вилоят комиссиялари) кичик тадбиркорлик субъек-

**Режадан ташқари текшириш – назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан, қисқа мuddатли текшириш).  
1650-сон Низом, 1-банд, саккизинчи хатбоши.**

тларини текшириш мuddатини 30 кундан кўпга узайтириш тўғрисида аризалар билан мурожаат қилишга ҳақли эмаслар. Агар ана шундай мурожаатлар келиб тушса, Кенгаш ёки вилоят комиссиялари уларни қондиришни рад этишлари керак.

## ЯНГИ МЕЪЁРЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛИШИ ЛОЗИМ БУЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Янги меъёрларнинг жорий этилиши муносабати билан куйидаги меъёрини ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

**Текшириш мuddатлари** борасида – Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 89-моддасига; 1998 йил 24 декабрдаги 717-И-сон Қонуннинг<sup>4</sup> (бундан кейин – 717-И-сон Қонун) 11-моддасига; Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>5</sup> (бундан кейин – 1650-сон Низом) 15-бандига;

текширишлар даврийлиги борасида – СКнинг 90-моддасига; 717-И-сон Қонуннинг 10, 10-1-моддаларига, 1650-сон Низомнинг 20-бандига.

**Сувдан фойдаланиш – юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олманган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;  
сувдан фойдаланувчи – сув ресурсларини сув объектидан олманган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс.  
837-ХII-сон Қонун, 2-1-модда, ўн бешинчи, ўн олтинчи хатбошилар.**

ган солиқ органи Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз, унинг раҳбарининг ёзма буйруғига асосан тадбиркорнинг ана шу 3 ойлик фаолиятини текширишга ҳақли, бироқ у текширишга 2011 йил 1 январгача бўлган даврни кирита олмайди.

3 Киритилган ўзгартишларга мувофиқ солиқ органларига, назорат қилувчи органларга бу ҳақда асосланган илтимос билан мурожаат қилган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилди. Илгари қонун ҳужжатларида бундай ҳолларда молия-хўжалик фаолияти билан боғланмаган режадан ташқари текшириш ўтказилиши мумкинлиги назарда тутилган эди.

4 Ўзгартишларга кўра, барча назорат қилувчи органлар режадан ташқари текширув ўтказиш чоғида Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилган текширув дастурига эга бўлишлари шарт. Илгари қонун ҳужжатларида мазкур ҳужжат режа деб аталар эди.

**Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.**

## КИМЛАРГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

1573-2 ва 1712-2-сон қарорлар юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахл қилади.

## ЯНГИЛИКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

1 1573-2 ва 1712-2-сон қарорлар билан юқорида кўрсатилган Низомлар куйидагилар борасида Президентнинг 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон Фармонига<sup>6</sup> мувофиқлаштирилди:

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида фаолиятни амалга оширадиган тадбиркорлик субъектларини текширишлар фақат солиқ органлари то-

монидан ўтказилиши ҳуқуқининг берилиши;

солиқ органлари томонидан бир марталик йигимлар, ижара тўловларининг тушуми тўлиқлиги ва ҳисобга олинишини, назорат-касса машиналаридан, ҳисобкитоб терминалларида фойдаланишни, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорларда қисқа мuddатли текширишлар ўтказиш. Кўрсатилган текширишлар ДСҚ Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари

<sup>1</sup>«Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

<sup>2</sup>«Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида».

<sup>3</sup>«Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида».

<sup>4</sup>«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида».


<sup>5</sup>«Давлат вазирининг АВ томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган».

<sup>6</sup>«Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида».

<sup>7</sup>1993 йил 6 майдаги 837-ХII-сон.

\*2011 йилги текширишлар режа-жадвалидан чиқарилган, кўрсатилган кичик бизнес субъектларининг рўйхати «СБХ»нинг 2011 йил 28 апрель ва 5 майдаги 17 ва 18-сонларида чоп этилган.





# TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 20 (305) 2011 йил 24 май

## САМАРАЛИ ХУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ ВА ТЕЗКОР МАТБАА УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

✓ Тўлиқ рангли ва монохром копирлар, принтерлар, кўп функцияли офис тизимлари, **Konica Minolta** босмасининг самарали тизимлари

✓ **RISO** рақамли мини-босмаҳоналари, матбаа ускуналарининг кенг спектори

✓ **ACCO Brands** офис ускуналари

✓ Шахсий компьютерлар ва лицензияланган дастурий таъминот

- ▣ Кафолат, фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув
- ▣ Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар

ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands расмий ҳамкори

Тел./факслар: 237-47-00, 237-48-00. E-mail: info@atcturon.uz; www.atcturon.uz

### Рўйхатлар

Тошкент вилояти Қибрай туман ДСИдан солиқ тўловчи юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган, лекин давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб банкда ҳисобрақами очмаган тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

| Корхона номи                | СТИР      | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами |
|-----------------------------|-----------|---|
| "RAVSHAN VA FARZANDLARI" ХК | 205499747 | 04.03.2005 й. N 29                      |
| "YAIM-NURLI YO'LI" ХИЧК     | 205533411 | 17.03.2005 й. N 38                      |
| "ODILOV MIRSHOHID" ХФ       | 204792756 | 19.01.2004 й. N 15                      |
| "DILOROMXON ZIYO" ХК        | 205838141 | 06.10.2005 й. N 142                     |
| "ADANA TURK PLAST" МЧЖ      | 205955582 | 11.01.2006 й. N 179                     |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, Низоми, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларининг асл нусхалари, думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой мобайнида Тошкент вилояти Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 1-уйда жойлашган Қибрай тумани ҳокимлиги корхоналарни тугатиш доимий махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. 150-08-47.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 13 майдаги 10-1108/7018-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "GALPROMEKS" МЧЖ (юридик манзили: Кичик Бешёғоч кўчаси, 130а-уй) банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган. Тугатув бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Ушбу корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, ба-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 310-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 5 августдаги 11-1006/13077-сонли ҳал қилув қарорига асосан Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Спорт кўчаси, 61-уйда жойлашган "Лал-С" кичик ишлаб чиқариш тижорат корхонаси банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга доир иш очилди. Ушбу иш бўйича суднинг 2011 йил 4 апрелдаги ажримига асосан корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси тайинланган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Спорт кўчаси, 61-уй манзилида қабул қилинади. Мазкур корхона кредиторларининг йиғилиши 2011 йил 30 май куни соат 10.00 да Ўртачирчиқ туман ДСИ биносида бўлиб ўтади. Йиғилишда ишончнома билан қатнашишингиз шарт. Ушбу корхонанинг муҳр ва штамплари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия  
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

**«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
ЎЗР АВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

**Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари**

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.  
Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.  
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-10-67, (+99894) 663-77-74.  
E-mail: ltd\_nazorat-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:  
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55,  
Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63,  
Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

### «Интеграл стар» ХК таклиф қилади

## «ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридagi талаб ва таклиф

## РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

ЭЪЛОНЛАР

ЭЪЛОНЛАР

### СОТИЛАДИ

«ASAKA-TRANS LEASING» ЛК МЧЖ қўйидаги автотранспорт воситалари кўринишидаги лизинг объектлари бўлган ўз асосий воситаларини реализация қилаётганлигини маълум қилади:

Лада 21074-110-30, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, кузов N ХТА21074092867378;  
Лада 21074-110-30, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, кузов N ХТА21074092867591;  
Лада 21074-110-30, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, кузов N ХТА21074092866162;  
Лада 21074-110-30, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, кузов N ХТА21074092865305.

Бўлғуси харидорларни эълон жойлаштирилган пайтдан бошлаб 10 календарь кун мобайнида ёзма аризалар билан қўйидаги манзилга мурожаат қилишларини сўраймиз: 100100, Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 1-тор кўча, 9-уй.  
Алоқа боғлаш телефони 120-39-59.

### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари\*.  
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Ҳўжалик, жиноят ишлари\*.  
Тел. (+99897) 330-45-71.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр\*.  
Тел. 448-74-69.

«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*.  
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

### БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ

Ташкилот вилоятларда тижорат юкларини декларациялаш хизматларини кўрсатади\*.  
Тел. (8 371) 268-10-92.

### БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар\*.  
Тел. 430-56-00.

### ХИЗМАТЛАР

Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш\*.  
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари.  
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Компьютерга тез ёрдам. Windows, дастурлар, антивирус ҳимояси. Жойига чиқиш билан. Дам олиш кунларисиз.  
Тел. 585-29-79.

\*Хизматлар лицензияланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

## НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ХУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келвермайд.

Тахририят овозланмишидаки, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик; ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзиш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилади (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Итиске - 186 Буюртма 1048 Алали 4860. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2011 йил 20 майда соат 19.30 да топширилади.  
ISSN 2010-5223